



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

---

**Асосий товар ва хизматлар нархларини  
ОНЛАЙН КУЗАТИШ ТИЗИМИ (НОК)**

---

**Тошкент 2021**

## Нархларни онлайн кузатиш тизими

Марказий банк томонидан мамлакатимиз аҳолиси кўп истеъмол қиласиган асосий товар ва хизматлар нархлари ўзгаришларини **муқобил манбалардан инсон омилисиз тезкор равишда** кузатиб бориш ва доимий мониторингини амалга ошириш мақсадида – **нархларни онлайн кузатиш** (НОК) тизими ишлаб чиқилди<sup>1</sup>.

Бугунги кунда инфляция яъни истеъмол нархлари индекси бўйича расмий кўрсаткичларнинг фақат **ойлик даврийлиқда** эълон қилиниши нархлар динамикасини тезкор таҳлил қилиш имкониятларини чекламоқда. Ушбу даврийликни қисқартириш масаласи **муқобил кўрсаткичларни** ҳисоблаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Кўпчилик давлатларнинг статистика органлари ва марказий банклари томонидан сўнгги йилларда нархлар ўзгаришини **интернет саҳифалари** ва **масофавий тизимлардан** фойдаланган ҳолда жамлаш ва таҳлил қилиб бориш тизимлари (price scanning&web scraping)<sup>2</sup> амалиётга жорий этилмоқда.

Бу тизимлар орқали интернет саҳифаларида барча учун кенг фойдаланишда бўлган маълумотлар асосида аввалдан танлаб олинган истеъмол товар ва хизматлари нархларини тезкор равишда ва кичик даврийлиқда (кунлик, ҳафталик) кузатиб бориш мумкин бўлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам йирик савдо супермаркетлари, ишлаб чиқарувчилар, дўконлар, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг **онлайн савдо платформаларининг** ривожланиб бориши, онлайн савдо ниқталари сонининг ортиши, шу билан биргаликда пандемия шароитларида онлайн хизмат турларининг кенг ривожланиши Ўзбекистонда ҳам нархларни онлайн кузатиш тизимини жорий қилиш имкониятини берди.

Ушбу мақсадда Марказий банк томонидан ишлаб чиқариш, сотиш ва етказиб бериш фаолияти билан шуғулланадиган хўжалик субъектларининг интернет саҳифасида **умумий фойдаланиш** учун очиқ эълон қилинадиган товар-хизматларни нархлари **олдиндан**

<sup>1</sup> Ушбу тизим асосида кутатувлар Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари томонидан республика ҳудудларида истеъмол товарлари нархлар динамикаси ва уларни омилларини ўрганиш бўйича ташкил этилаётган кузатув билан бир қаторда амалга ошириб борилади.

<sup>2</sup> Буюк Британия, Германия, Канада, Голландия, Австралия, Бельгия, Италия, Венгрия, Қозогистон ва бошқалар.

**белгиланган қоидалар ва дастурий алгоритмлар орқали кузатиб бориш ҳамда ягона маълумотлар базасига йиғиш амалиёти жорий этилмоқда.**

Йиғилган кенг қамровли маълумотлар тўплами Халқаро Валюта Фондининг услубий қўлланмаси<sup>3</sup> ва Европа Иттифоқи Статистика бьюроси кўрсатмаларига асосан қайта ишланади.

Қайта ишланган маълумотлар Давлат статистика қўмитаси томонидан истеъмол нархлари индексини кўллашда фойдаланиладиган товар ва хизматлар **вазнлари** асосида умумлаштирилади ва **ҳафталик асосда Истеъмол нархлари муқобил индекси (ИНМИ)** ҳисоблаб чиқилади.

Ушбу тизимнинг афзалликларидан бири, маълумотларининг аниқ, шаффоф ва тезкорлигидадир. Яъни, бунда маълумотлар онлайн режимда максимал даражада **инсон омилисиз** амалга оширилади.

Дастлабки босқичда нархларни онлайн кузатиш тизими орқали **50 га** яқин интернет саҳифаси иловаларидан **1000 га яқин нархлар** кузатиб борилади.

Бунинг учун аҳоли томонидан **энг кўп истеъмол қилинадиган** ва умумий ИНИ таркибида **энг юқори вазнга** эга бўлган **261 хил** турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар танлаб олинди. Бунда,

- озиқ-овқат маҳсулотлари **114 та**;
- ноозиқ-овқат маҳсулотлари **108 та**;
- хизматлар **39 тани** ташкил этади.

Бу Давлат статистика қўмитаси томонидан **510 та** товар ва хизматлар бўйича ҳисобланадиган ИНИнинг **71,2 фоизини** ташкил этади.

## **Нархларни кузатишнинг умумий тамойиллари**

### **Товар-хизматларни танлаш**

аҳоли томонидан **кенг истеъмол қилинадиган** ва **фойдаланиладиган** товар ва хизматлар танлаб олинади;

нархларни **узоқ муддат** кузатиш имконияти мавжуд, савдо обьектларининг веб-саҳифаларида **доимий тарзда савдода мавжуд**

<sup>3</sup> Internationa Monetary Fund “Consumer Price Index Manual 2020: Concepts and Methods

ва даврий янгиланадиган савдо нуқталари товар-хизматлари нархлари кузатилади;

чегирмага тушган, совға қўшиб бериладиган, акция асосида сотилаётган ва маълум бир имтиёз қўлланилаётган товарлар **инобатга олинмайди**;

инфляция таркибида Давлат статистика кўмитаси томонидан киритиладиган товарларга **максимал яқин хусусиятга эга** товарлар танлаб олинади.

### *Муқобил ИНИни шакллантириш*

кузатув даврида (кунлик, ҳафталик) товар-хизматларнинг қайд этилган нархлари, савдо обьекти ва товарларнинг белгиланган салмоқ вазнларидан фойдаланган ҳолда бир маҳсулот тури бўйича **ҳафталик ўртача нархлари** ҳисобланади;

бир савдо обьектида бир маҳсулот категорияси бўйича икки ва ундан ортиқ савдо белгилари остидаги намунаси мавжуд бўлса, бунда, ҳар бир маҳсулот намунаси учун **алоҳида вазнлар** белгиланади;

битта маҳсулотни икки ва ундан ортиқ савдо платформасидан олиниши мумкин, бунда савдо платформаларга салмоқ вазнларни белгилаш уларнинг **оммабоплиги** ва **савдо қўламидан** келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

Товар-хизматнинг ҳафталик нарх ўзгаришини ҳисоблашда ойнинг биринчи ҳафтасидаги кузатилган нархлар **базавий нарх** сифатида қайд этилади. Кейинги ҳафта давомида олинган нархлар базавий нархларга таққосланиб, ўзгариши ҳисоблаб чиқлади.

Ой якунида товар-хизматларнинг ўртача нархлари ҳафталик нархлари ўзгариши асосида **йиғма муқобил индекси** ҳисобланади.

### **Тизимни такомиллаштириш**

Кейинги босқичларда ушбу тизим имкониятларини кенгайтириб **рақамли технологиялар орқали ўрганиш** (machine learning) ва маҳсус алгоритларни кенг жорий қилиш орқали инсон омилини тўлиқ йўқ қилиш, нархлар ва улар динамикси кунлик эълон қилиб бориш орқали шаффофликни янада ошириш кўзда тутилган.

Онлайн савдо ва хизмат кўрсатиш обьекталари сони кўпайиб бориши билан тизимга киритилиб борилади, тизимни савдо тармоқлари

савдо терминаллари билан синхронлаштирилади, товар-хизматлар турлари ва товар намуналари ҳам кўпайтириб борилади.

**Нархларни онлайн кузатиш тизими орқали жорий йилнинг  
2-21 август кунлари ўтказилган ҳафталик мониторинг  
натижаларига кўра нархлар ўзгариши**


Кўрсаткичлар	2-10 август	11-16 август	17-21 август	Йигма ўзгариши (2-21 август)
Умумий ўзгариши	-0.26	0.20	0.23	0.16
<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	-0.11	0.25	0.24	0.38
Ўсиши (%)	-0.22	0.52	0.49	0.79
<b>Ноозиқ-овқат маҳсулотлари</b>	-0.14	-0.10	0.03	-0.22
Ўсиши (%)	-0.48	-0.36	0.09	-0.75
<b>Хизматлар</b>	-0.02	0.05	-0.03	0.00
Ўсиши (%)	-0.07	0.22	-0.15	0.00

Онлайн кузатувларга кўра 2-21 август кунлари танлаб олинган маҳсулот ва хизматлар нархлари ИНМИ **0,16 фоизга** ошганлиги қайд этилди.

Бунда, озиқ-овқат маҳсулотлари **0,8 фоизга** ўсган бўлса (умумий ИНМИга ҳиссаси 0,38 фоиз бандлик оширувчи), ноозиқ-овқат маҳсулотлар **0,75 фоизга** пасайган (умумий ИНМИга ҳиссаси 0,22 фоиз бандлик пасайтирувчи).

Хизматлар сегментидаги нархларда сезиларли ўзгариш кузатилмади.

## Нархларни онлайн кузатиш тизими – НОК (Инфографика)



**LeBazar**

korzinka.uz  
EST. 1996

makro  
supermarket

**MEDIAPARK**  
РЫНОК @ BOZORI

**Bulavka**

asaxiy

texnomart\*  
«пользуйтесь на радость!»

ArzonApteka

mato

EXPRESS 24  
СЛУЖБА ДОСТАВКИ

Safia  
cafe & bakery  
«since 2005»

ustabor.uz

ALIBAZAR

bringoo

## Веб-саҳифалар рўйхати

1	lebazar.uz->korzinka.uz	26	express24.uz
2	makro.zakaz.uz	27	bringo.uz
3	ustabor.uz	28	uztelecom.uz
4	asaxiy.uz	29	beeline.uz
5	texnomart.uz	30	mobi.uz
6	mediapark.uz	31	ucell.uz
7	autostrada.uz	32	talisman-tour.uz
8	bulavka.uz	33	travelsystem.uz
9	arzonapteka.uz	34	eduland.uz
10	alibazar.uz	35	ytit.uz
11	uzmetallsavdo.uz	36	5plus.uz
12	glotr.uz	37	kafolat.uz
13	mato.uz	38	gvhotel.uz
14	tashmebel.uz	39	uwed.uz
15	creditasia.uz	40	yandex.uz
16	parfumgallery.uz	41	dostavkin.uz
17	stirka.uz	42	evos.uz
18	bermuda.uz	43	oqtepalavash.uz
19	glaz.uz	44	truby.uz
20	estimed.uz	45	avvauzb.uz
21	vitros.uz	46	bravoavto.uz
22	clinics.uz	47	platya.uz
23	damal.uz	48	emumarket.uz
24	e-ticket.railway.uz	49	stroyka.uz
25	avtoticket.uz	50	oboi.uz

**Илова**

<b>Нархлари онлайн кузатиладиган товар ва хизматлар рўйхати</b>	
<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	
<b>Ун-нон маҳсулотлари</b>	
Буғдой уни (олий нав)	Печенье
Буғдой уни (биринчи нав)	Вафли
Гуруч оқшоғи	Пряниклар
Манний ёрмаси	Турли хил пирожнийлар
Ёпилган нон (патир)	Чак чак
Гречиха	Вермишель
Булочка ва бошқа ёғли маҳсулотлар	Макарон, спагетти
Сухари, қарсиллама нон	Тортлар
<b>Ёрма</b>	
Гуруч (аланга)	Нўхот
Мош	Поп-корн
Гречка	
<b>Гўшт ва парранда</b>	
Мол гўшти (сарпанжа)	Сосискалар
Мол гўшти суяксиз (лаҳм-транч)	Қази
Қийма (фарш)	Балиқ
Қўй гўшти (қўл қисми)	Мойга солингган сардиналар
Парранда гўшти (товуқ болдири)	Мойга солингган шпротлар
Пиширилган колбаса	Помидор қайласига солингган килька
Дудланган колбаса	
<b>Сут маҳсулотлари</b>	
Сут	Творог
Қаймоқ	Сметана
Қуюлтирилган сут	Сузма (чакки)
Пишлоқ	Музқаймоқ
Қатик (кефир)	Қурт
Бринза	
<b>Тухум</b>	
Тухум	
<b>Ёғ ва мой</b>	
Маргарин	Пахта ёғи
Кунгабоқар ёғи	
<b>Мевалар</b>	
Олма	Майиз
Узум	Баргак, туршак
Банан	Қуритилган наъматак
Нок	Пўчоқли ёки пўчоғи тозалангандан ёнғоқлар
Лимон	Пўчоқли ёки пўчоғи тозалангандан писта
Шафтоли	Пўчоқли ёки пўчоғи тозалангандан бодом
Қовун	Тузли абрикос ёки ўрик данаклари
Тарвуз	
<b>Сабзавотлар</b>	
Картошка	Бақлажонлар
Пиёз	Саримсоқ
Сабзи	Қўзиқоринлар
Бодринг	Ловия
Помидор	Ноҳат
Карам	Мош

Кўкатлар	Тузланган бодринглар
Янги узилган булғор қалампири	Тузланган помидорлар
Қовоқ	Помидор пастаси
Лавлаги	Картошка чипс
<b>Шакар, қандолат маҳсулотлари ва десертлар</b>	
Шакар	Асал
Новвот	Мармелад
<b>Шоколад, какао ва какао асосидаги бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	
Шоколад плиткаси	Холва, парварда ва шу каби миллий ширинлик турлари
Карамель конфетлар	
<b>Туз, зирауорлар ва қайлалар</b>	
Туз	Уксус
Майонез	Помидор соуси, кетчуп
<b>Дориворлар, ошпазлик зирауорлари ва урглари</b>	
Лавр япроғи	Хамиртуруш
Зира	Овқатга ишлатиладиган сода
<b>Бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	
Кўк чой	Кока-кола
Қора чой	Энергетик ичимликлар
Кофе	Минерал, газланган сув
<b>Овқатлар</b>	
Бир порция шўрва	Бир дона сомса
Бир порция ош	Бир дона лаваш
<b>Ноозиқ-овқат маҳсулотлари</b>	
<b>Шахсий гигиена товарлари</b>	
Шампунь	Дезодорант
Тиш пастаси	Туалет қофози
Атир совун	Болалар таглиги
<b>Ювиш ва тозалаш воситалари</b>	
Хўжалик совуни	Идиш ювиш учун гель
Кир ювиш кукуни	
<b>Дори-дармонлар</b>	
Антибиотиклар (ацикловир)	Антигистамин препаратлар (Лоратадин)
Витаминлар (магне Б6)	Актовегин
<b>Кийим-кечаклар</b>	
Эркаклар шими (жинси)	Спорт кийими
Эркаклар кўйлаги	Пайпоқ, эркаклар
Костюм шим	Ўғил болалар кўйлаги
Эркаклар футболкаси	Қиз болалар кўйлаги
Майка, эркаклар	Шим (қизлар)
<b>Пойабзаз</b>	
Аёллар туфлиси	Эркаклар этиги (енгил), ботинкаси
Ўғил болалар оёқ кийими	Қиз болалар оёқ кийими
<b>Газламалар ва матолар</b>	
Пахта газламалар (х/б)	Сунъий толали ипак газлама
Жун газламалар (шерстъ)	
<b>Маший товарлар ва электр асбоблари</b>	
Совутгич	Мобил телефон (смартфон)
Телевизор	Электр чойнак
Газ плитаси	

<b>Канцелярия моллари</b>	
Дафтар	Рангли қаламлар
Ручка	Фломастерлар тўплами
Қофоз А4	Елим
Расм дафтари	
<b>Автомобил учун ёнилғи</b>	
Бензин	
<b>Ёқилғи</b>	
Кўмир	
<b>Курилиш материаллари</b>	
Цемент	Барча турдаги бўёқлар
Металл қувурлар, отводлар, сгонлар	Барча турдаги лаклар
Пластмассадан ясалган қувурлар	Фанер, ДСП, пресс-картон, оргалит
Курилиш учун қуруқ қоришмалар	плиталар
<b>Хизматлар</b>	
<b>Маший хизматлар</b>	
Маший техникаларни тузатиш	Гилам ювиш хизмати
Бўяш ишлари (малярка)	Ҳашаротларни йўқ қилиш ҳамда дезинфекция хизмати
Пол қоплаш	Кўз учун ёрдамчи маҳсулотлар
Электрик хизматлари	Стоматологик профилактик хизматлар
Маший техникаларни таъминлаш	Тиббиёт лабораториялари хизматлари
Шахсий транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш	Ҳайдовчиларни тайёрлаш курслари
Шахсий транспорт воситаларини ювиш бўйича хизматлар	
<b>Коммунал хизматлар</b>	
Ахлат йигиши	Иссик сув таъминоти
Тармоқ газ	Марказий иситиш
Электр энергияси	
<b>Транспорт хизматлари</b>	
Узоқ масофага қатнайдиган поездда йўл ҳақи	Шаҳарлараро автобусда йўл ҳақи
Йўловчиларни тезюарар транзит ва трамвайларда ташиш кира ҳақи	Шаҳар автобусида йўл ҳақи
Метрода йўл ҳақи	Троллейбусда йўл ҳақи
Йўналишши таксида йўл кира ҳақи	Трамвайда йўл ҳақи
<b>Бошқа хизматлар</b>	
Курьерлик хизматлари ва посылкаларни элтиб бериш бўйича хизматлар	Болалар боғчасига ойлик тўлов
Мобил алоқа	Тил ўрганиш курслари
Интернет (WiFi)	ОТМ контракт пули
Туристик хизматлар	Шахсий транспорт воситаларини суғурталаш
Мехмонхона хизмати	